



O'zbekiston Respublikasi Xorazm viloyati 221200 Yangibozor shaharchasi  
Ўзбекистон Республикаси Хоразм вилояти 221200 Янгибозор шаҳарчаси Тел: 41-94-255

2020 йил " 6 " сентябр

№ 1066

Янгибозор шаҳарчаси

**“Қиёт” маҳалласида яшовчи фуқаро  
Хайтбаева Муяссар Маматсалиевага  
қўшимча томорқа ер майдони ажратиб  
бериш тўғрисида**

Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи “Қиёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Хайтбаева Муяссар Маматсалиеванинг қўшимча томорқа ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасини ўрганиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Ер кодекси”нинг 6-моддасига ҳамда “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонунининг 6, 10, 25-моддасига асосланиб

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Янгибозор тумани Боғолон қишлоғи “Қиёт” маҳалласида яшовчи фуқаро Хайтбаева Муяссар Маматсалиевага “Қиёт” маҳалласининг туман захира ерлари ҳисобида турган 795-қисм контуридан 0,12 гектар ер майдони қўшимча томорқа сифатида фойдаланиш учун ажратиб берилсин.
2. Туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов)га қўшимча томорқа учун ажратилган ер участкасини жойида (натурада) белгилаб бериш вазифаси топширилсин.
3. Туман давлат солиқ инспекцияси (А.Ўразбоев)га, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р.Рахимов)га ушбу қарорга асосан ўз ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар киритиш вазифаси юклатилсин.
4. Фуқаро Хайтбаева Муяссар Маматсалиевага туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматидан рўйхатдан ўтказиш вазифаси топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Янгибозор туман ҳокими



Ў.Курбанов